



# XORAZM VILOYATI BOG‘OT TUMANI HOKIMINING FARMOYISHI

## Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2022 - yil 8 - yanvar

1-12-170-F/22

Bog‘ot tuman hokimligi

1. Ўзбекистон Республикаси “Бюджет кодекси”нинг 73-моддасига асосан туман маҳаллий бюджетининг захира жамғармаси ҳисобидан, туман ҳокимлигига жами 44 175 000 (қирқ тўрт миллион бир юз етмиш беш минг) сўм, шундан туман ҳокимининг даволаниши хизмати 12-кунлик курс йўлланмаси ҳаражатлари учун 9 800 000 (тўққиз миллион саккиз юз минг) сўм, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 ноябрда “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 30 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ф-4-сонли фармойиши ҳамда шу юзадан вилоят ҳокимининг 2021 йил 25 декабрдаги 209-12-170-Q/21-сонли қарорининг ижросини таъминлаш юзасидан туманда 14-январ Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам тадбири ҳаражатлари 24 700 000 (йигирма тўрт миллион етти юз минг) сўм, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 апрелдаги № 250 сонли қарори ижроси юзасидан «Аёллар дафтари»ни юритиш орқали хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича вақтинчалик тартибининг 2а-иловасига асосан анкета сўровномаларини тайёрлаш билан боғлиқ ҳаражатлар учун 7 175 000 (етти миллион бир юз етмиш беш минг) сўм, 2022 йил “Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” баннерларини тайёрлаш билан боғлиқ ҳаражатлар учун 2 500 000 (икки миллион беш юз минг) сўм маблағ ажратилсин.

2. Туман молия бўлими (Ж.Рўзметов) туман маҳаллий бюджетига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

3. Туман Ғазначилик бўлинмаси (Ш.Қурбонов) ажратилган маблағни белгиланган тартибда ўтказилишини таъминласин.

4. Ушбу фармойиш ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари С.Қурбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими вазифасини  
вақтинча бажарувчи



С.Қурбонов